

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ САБОҚЛАРИ”

Гуруҳ		_____ катта гуруҳи					
Мавзу		Касблар. Бизнинг яхши ишларимиз.					
Давр		Ноябрь ойининг 4 ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ҳар хил меҳнат турларини ўрганиш жараёнида болани жисмоний жиҳатидан ривожлантириш.					
	Ижтимоий – ҳиссий ривожланиш	Ижобий ҳиссиётларни шакллантириш, бир-бирига нисбатан хушмуомала ва ижобий муносабатларни шакллантириш. Илтимосни бажариш малакасини, турли касбдаги катталар меҳнатига ҳурматни шакллантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Боғланган нутқни, саволларга тўлиқ жавоб бериш кўникмасини ривожлантириш. Диққати, хотираси ва гафаккурини ривожлантириш.					
	Билиш жараини ривожланиши	Касблар, , катталар меҳнати ва унинг ҳар бир инсон ҳаётида, жамиятда тутган ўрни ҳақида дастлабки тушунчаларни шакллантириш. Дунёқарашни ва касбларга нисбатан онгли қизиқишни кенгайтириш.					
	Ижодий ривожланиш	Тарбия жараёнига тасвирий фаолият ва мусиқани сингдириш орқали кундалик ҳаётда гўзалликни яратиш кўникмасини шакллантириш.					
		Ўқув-тарбиявий фаолият					
Ривожланиш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, изоҳ
Фронтал машғулотлар							
Мустақил таълим фаолияти	Ўқиш – яшаш ва математика	“Мактаб курамин”		Атлрофдаги сонлар ва рақамлар			Конструктор, мозайка, қутилар, лево, геометрик шакллар
	Сюжетли – ролли ўйинлар ва драммалаштириш	“Шифокор қабулида”	“Модалар уйи”			“Мактаб”	Атрибутлар, маскалар
	Нутқ ва тил	Д/Ў: “Ким ўзининг касби ҳақида яхши сўзлайди”		“Тескарисини айт”			Ўйинлар, сюжетли расмлар, китоблар
	Фан ва табиат маркази	“Сув хусусиятлари”			Оймомо печенясини тайёрлаш		Сув, қум, ўсимлик
	Санъат маркази	“Менинг қахрамоним” мавзусида расм чизиш			“Иш қуроли” лойдан яшаш		Сув, ун, шакар
							Лой, бўёқ, қалам, қоғоз.

НОЯБРЬ 4 ҲАФТА « БИЗНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИМИЗ »

Қуриш, ясаш ва математика марказлари

«Касалхона» қурамиз

Мақсад: қурилиш биноларини, уларнинг шакллари билди, уларнинг баландлигини ўлчай олади. Геометрик шаклларни айтади (куб, тўғри тўртбурчак, тўртбурчак).

Касалхонани сюжетли қуришни билди.

Жихоз ва материаллар: катта қурилиш материаллари, столусти қурилиш материаллари (майда сюжетли ўйинчоқлар, дарахталар ва гуллар билан касалхонани безатиш).

Фаолиятнинг бориши:

1. Қурилиш шаклини танлайди;
2. Қурилиш учун керак бўлган қурилиш материалларини танлайди;
3. Касалхона қурилиши;
4. Қурилиш атрофидаги ҳудудни ободонлаштиради.

Қўшимча: Касалхона ҳақида шёърларни эслайди. Тарбиячи шифокор касби ҳақида гапириб беради.

Нимага аҳамият бериш лозим:

1. Жамоада ишлаш қобилиятига эга;
2. Геометрик шакллар ва қурилиш материаллар тўғрисидаги тушунчани мустаҳкамлаш;
3. Қурилишда мустаҳкамлик ва ишончлилиқни ташкил этиш;
4. Хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази

«Шифокор қабулида»

Мақсад: Шифокор касби билан танишиш. Айрим тиббиёт ускуналар нима учун ишлатилиши тўғрисида тушунчага эга (харорат ўлчагич, шприц, стетоскоп ва ҳ.к.)

Жихоз ва материаллар: шифокор учун керакли бўлган болалар тўплами, шифокор тўплами, қўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни мустақил равишда тақсимлайди (шифокор, она қизи билан ва ҳ.к.)
2. Ўзи ўйлаб топган сценарийни саҳналаштиради
3. Мазкур тематика бўйича роллар билан алмашади ва янги сюжетни саҳналаштиради.

Нимага эътибор бериш лозим: ўйин давомида болаларнинг ўзаро муносабати; ўйин иштирокчиларига эмоционал муносабат; фаол бўлмаган болаларнинг ўйиндаги иштироки.

Тил ва нутқ маркази

Д/ў: «Ким касби ҳақида энг яхши сўзлайди?»

Мақсад: Айрим касбларни билди ва уларнинг инсон ҳаётидаги роли.

Жихоз ва материаллар: ҳар бир бола учун расм, тематик расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шёърларни тинглайди
2. “Касблар” расмларини кўриб чиқади.
3. Ота-онасининг касби ва улар нима билан шуғулланиши тўғрисида гапириб беради. (масалан, менинг онам – болалар шифокори. Улар болаларни даволайдилар, дори ва уколларни ёзибберади. Менинг отам – автобус ҳайдовчиси. Улар одамларни ишга ва ўқишга олиб борадилар.)

Қўшимча: келажакда ким бўлиши тўғрисида сўзлаб беради.

Нимага аҳамият бериш лозим: болалар нутқини тўғри қўйиш.

Қурилиш, ясаш ва математика маркази

«Атрофимиздаги сонлар ва рақамлар»

Мақсад: рақамларни танийди, уларни ёзишни билади. Топишмоқ ва мақолалар билан қизиқади.

Жиҳоз ва материаллар: рақамлар расми, “Рақам нимага ухшайди” предметларнинг иллюстрацияси, ҳисоб таёкчалари, масалалар билан қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. 10 гача ва орқага санай олади;
2. “Рақам нимага ухшайди” предметларнинг иллюстрациясини тамоша қилади.
3. Рақамли карточкаларни тартибли жойлаштира олади..
4. Ҳар бир рақамли карточкалар тагида ҳисоб таёкчалари ва тиш ковлагич билан рақамни ясай олади.

Қўшимча: масалалар кўрсатилган варақларни тўлдиради.

Нимага аҳамият бериш лозим: болаларнинг фаол иштироки; ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

Фан ва табиат маркази

«Сув хусусиятлари»

Мақсад: сувнинг ажойиб хусусиятлари билан таниш. Сувдан фойдаланишни билади. Сув билан тажриба ўтказади. Ўт ўчирувчилар фаолиятида сувнинг аҳамиятини билади.

Жиҳоз ва материаллар: сув, кум, шам, гуруртлар, мавзу бўйича иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ёнғиндан ёрдамчи сифатида сувнинг хусусиятлари билан танишиш;
2. Тарбиячи билан иш; оловни ўчириш (ёнган шамни сув ёрдамида ўчириш.
3. Хулоса чиқарилади.

Қўшимча: кислородсиз расмларда тажрибадаги кислородсиз оловни ўчиришни кузатадилар.

Нимага аҳамият бериш лозим: тажриба ўтказа олиш; қондани билади ва унга амал қилади; ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари, фаол бўлмаган болаларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, эмоционал ҳолати, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази

“Модалар уйи”

Мақсад: мода ва модалар уйлари ҳақида тушунчаларга эга. Кийимларни бир бирига мослаштиради.

Жиҳоз ва материаллар: кийимлар, бош кийимлари, тақинчоқлар ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мода намоишларини журналларда ва расмларда кўриш.
2. Ўйин сюжетини ўйлаб топадилар.
3. Сюжетни саҳналаштириш учун роллар тақсимланади (Моделер, дизайнер, тикувчи).
4. Сюжетли-ролли ўйин.

Қўшимча: ёктирадиган кийимлари ҳақида сўзлаб берадилар.

Нимага эътибор қаратиш лозим: ўйин мобайнида болаларнинг ўзаро муносабатлари; ўйин иштирокчиларининг эмоционал ҳолатига

Тил ва нутқ

Мавзу «Тескарисини айт»

Мақсад: Тескари сўзлар ҳақида тушунчага эга ва уларни тарбиячининг саволидан кейин тезлик билан топа олади, нутқида феълларни қўллайди; турли касбдаги кишиларга ўз қизиқиши ва ҳурматини ифодалайди.

Жиҳоз ва материаллар: жуфтли расмлар.

Машғулотнинг бориши.

Расмларни томоша қилиш.

Расмдаги тасвирнинг тескарисини айтиш.

Мухокама ва мустаҳкамлаш.

Қўшимча: шеър ўқийдилар

Нимага эътибор қаратиш лозим: болалар нутқи; феълларни тўғри қўллай олиш малакаси.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

«Мактаб»

Мақсад: Ўқитувчи касби билан таниш. Айрим мактаб жиҳозлари нима учун ишлатилиши тўғрисида тушунчага эга (китоб, дафтар, чизғич, ўчирғич, тахта ва ҳ.к.)

Жиҳоз ва материаллар: ўқитувчи учун керакли бўлган болалар тўплами, мактаб жиҳозлари, қўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни мустақил равишда тақсимлайди (Ўқитувчи, ўқувчи қиз ва ўқувчи бола ва ҳ.к.)
2. Ўзи ўйлаб топган сценарийни сахналаштиради
3. Мазкур тематика бўйича роллар билан алмашади ва янги сюжетни сахналаштиради.

Нимага эътибор бериш лозим: ўйин давомида болаларнинг ўзаро муносабати; ўйин иштирокчиларига эмоционал муносабат; фаол бўлмаган болаларнинг ўйиндаги иштироки.

Фан ва табиат маркази

«Оймомо» ширинлигини тайёрлаш

На что обратить внимание: на аккуратность, при выполнении работы и соблюдении гигиены.

Мақсад: хамирни нимадан килиниши ҳақида тушунчага эга, унинг хусусиятлари ва хамирдан нималар тайёрланишини билади.

Жиҳоз ва материаллар: Ун, шакар, ёғ (маргарин), шакллар, идиш, фартук, рўмолчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Иш жойи тайёрлаб олинади.
2. Фартукларни ва рўмолчаларни тақиш.
3. Унни қориш, хамир қилиш, ёйиш, кесиб шаклларга жойлаштириш.
4. Тайёр ширинликларни газ печига қўямиз.

Қўшимча: Тарбиячи тўғри хамир қорилиш жараёнини текшириб туради.

Нимага эътибор қаратиш лозим: Гигиенага риоя қилиш.

Санъат маркази

«Менинг қахрамоним» мавзусида расм чизиш.

Мақсад: Касблар ҳақида тушунчага эга; расмга қараб ўт ўчирувчи, қутқарувчи, милиционер, шифокор касбларини ажратиш беради;

Жиҳоз ва материаллар: қоғоз, бўёқлар, қалам, мўй калам, сув идиши, касблар ҳақида сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Касблар ҳақидаги расмларни кузатиш.
2. Режалаштириш ва чизиш.
3. Расмда касблардаги жиҳозларга алоҳида урғу бериш.
4. Галерея ташкил этиш, рағбатлантириш.

Қўшимча: Тарбиячи болаларга шеър ёки ашулалар айтиб беришини сўрайди.

Нимага эътибор қаратиш лозим:

Расмда касларнинг иш қуролларига алоҳида эътибор бериш.

Тартибли ишлаш.

Фикрлаш, хотирасини, боғланган нутқини ривожлантириш.

Санъат маркази

«Иш қуроллари» лой иши

Мақсад: лой билан ишлашнинг турли усуллари эгаллайди, инсон шакли ва унинг иш қуролларини, уларнинг ҳарактерли белгиларини, нисбатини янада аниқ ифодалайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, салфетка, стеклар, тахтачалар, «Иш қуроллари» мавзусида расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Касблар” асосидаги расмларни кузатиш.
2. Пластилиннинг тегишли рангини танлаш.
3. Болаларнинг продуктив фаолияти.
4. Болаларнинг ишларини муҳокама қилиш.

Қўшимча қисм: Тарбиячи болалардан шеър айтиб беришини сўрайди, балалар ишларининг тақдимоти.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятни, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш.